# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

*Коммунистлар авангардлиги*

## МАЪНАВИЙ МАСЪУЛИЯТ

**Ғалла ўрими зарбдор фронтга айланган кезлар эди. Эрта тонгдан то қош қорайгунча ғаллазорларда комбайнларнинг гувури тинмайди, дон ортган машиналар хирмонга шошилади, сомон пресланиб, фермаларга жўнатилади. Айниқса, комбайнчиларнинг меҳнат шижоати кишини лол қолдиради. Ҳарорат кундан кунга кўтарилса-да, ўрим суръати соат сайин ўсмоқда.**

Дастлабки кунларда район бўйича ҳар бир комбайнчи ўртача 8—10 гектар майдондаги ғаллани ўрган бўлса, энди бу кўрсаткич 16 гектарни ташкил этаётган эди. Хуллас, ҳамма ғаллани 20 иш кунида йиғиштириб олиш учун бир тан, бир жон бўлиб киришган. Буларнинг ҳаммаси, биринчидан, партия ташкилотларимиз ишни ипатоволиклар методи асосида аниқ ва ижодий уюштирганлигидан, иккинчидан, кишиларимизда маънавий масъулият нечоғли юксаклигидан далолат берарди.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. «Ғозғон» совхози партия комитети ўрим-йиғимини 15 иш кунида тугатиш ташаббуси билан майдонга чиқди. Тўғриси, совхоз коммунистлари ўз сўзларининг устидан чиқишига ишонсак-да, қўшимча куч ва техника сўраб, райкомни ва бошқа ташкилотларни кўп безовта қилишса керак, деб ўйлаган эдик. Чунки, баъзи парткомлар ташаббускорликларини қалқон қилиб олиб, ишлари юришмай бошлаганда юқори органларга ёрдам сўраб келаверадилар. Лекин «Ғозғон» совхозида бундай ҳол юз бермади. Коммунистлар ишни ғоят пухта ташкил этишган, ташаббуслари реал заминга асосланган эди. Улар ўрим-йиғимнинг дастлабки кунларидан то охиригача пешқадамлик қилиб, белгиланган муддатда ғалаба рапортига имзо чекдилар. 350—400 гектар майдондаги ғаллани ўришга эришган Сувон Нурматов, Саид Холмуродов, Баҳриддин Сафоев каби комбайнчиларнинг номлари районда тилларда достон бўлди.

Хўш, совхоз коммунистлари бундай муваффақиятга эришишларининг омили нимада? Энг асосийси, партия ташкилотлари кишиларда топширилган иш учун онгли масъулиятни чуқур ҳис этиш туйғусини тарбиялай олган. Бунга авлодларнинг меҳнат эстафетасини яхши йўлга қўйиш асосида эришилаётганлиги янада қувончлидир. Масалан, юқорида номлари ҳурмат билан тилга олинган коммунистлар ўрта авлодга мансуб кишилар. Улар бурч ва масъулият сабоғини ҳозир пенсияда бўлишларига қарамай, тоғда 160 гектар ерни ўзлаштириб, боғ-роғ яратган Ҳикмат Холиқов, Кочжа Муқимов, Йўлдош Зиёдуллаев, Санақул Мавлонов сингари меҳнат ветеранларидан олишган. Эндиликда эса, улар бу фазилатларни янада бойитиб, ўз меҳнат биографияларининг илк саҳифаларини ёзаётган Нурхон Зокирова, Зуҳра Ғайратова, Муқаддас Жўраева, Гулчеҳра Нурбоева каби комсомол қизларга ўргатишмоқда. Бу ёшлар орасидан пайти келиб ташаббускор ва меҳнаткаш коммунистлар етишиб чиқиши табиий, албатта.

Ёки бошқа бир мисол. Ўшанда «Комсомол 50 йиллиги» совхозининг 2-бўлимига етиб борганимда қоронғу туша бошлаган эди. Комбайнчилар ишни тугатишиб, автобус олдида тўпланишаётган экан. Салом-аликдан кейин уларга районда ғалла ўримининг муваффақиятли бориши, бошқа соҳалардаги ютуқларни июнь Пленуми қарори, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповнинг сермазмун нутқи билан боғлаб гапириб бердим. Суҳбат охирида эса, уларга:

— Биламан, ўтган ҳафта ҳам дам олмагансизлар. Болаларингиз ҳозир йўлларингизга кўз тикиб ўтиришибди. Эрта-индин дам олишларингиз керак. Лекин бошоқлар ғоят пишганлигини, ўрим бир кун кечикса, анча дон нобуд бўлишини ҳам яхши биласизлар. Шунинг учун, бу ҳафта ҳам дам олмай ўримни тезроқ тугатиб олсак, — дедим.

Орага бир оз жимлик чўкди. Механизаторларнинг чарчаганликлари, дам олишга чоғланганликлари сезилиб турарди. Шунда қотмадан келган йигит даврадагиларга разм солиб чиқди-да, дадил гап бошлади.

— Албатта, ишлаймиз. Ҳар бошоқ доннинг қимматини ҳаммамиз яхши биламиз. Кўпчилигимиз урушдан олдинги, уруш йиллари очарчиликларини, машаққатларини бошдан кечирганмиз. Ўримни келгуси ҳафтада тугатамиз-у, кейин бирдан дам оламиз.

> **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми республика партия комитетлари, уларнинг биринчи секретарлари зиммасига идеологик, оммавий-сиёсий ишга раҳбарликни доимо такомиллаштириш, унинг аҳволи билан чуқур шуғулланиш, белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан мунтазам, амалий контроллик қилиш вазифасини юклайди. Идеология фаолиятининг моддий базасини мустаҳкамлаш учун ҳамма имкониятлардан яхшироқ фойдаланилсин.**
>
> (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми қароридан).

Бу коммунист Тошпўлат Ҳайитовнинг сўзлари эди. Унинг фикрини бошқа комбайнчилар ҳам қўллаб-қувватлашди. Фақат бир эътироз билдирилди. Дала шийпонида телевизор, радио, душ — хуллас, дам олиш учун ҳамма шароит бор-у, лекин кино кўрсатилмаётган экан. Бу масалани бугуноқ ҳал этишни ўз зиммамга олдим.

Совхозда кўчма кино асboблари, махсус машина бор. Унда нега кино кўрсатиш йўлга қўйилмаётган экан? Касаба союз комитетининг раиси бунга турли баҳоналарни рўкач қилиб кўрсатди. Улар атрофлича таҳлил этилганда, унинг бу муҳим масаладаги совуққонлиги маълум бўлди. Раисни қаттиқ жазоладик. Кино кўрсатиш йўлга қўйилди.

Мана, икки коммунистнинг маънавий олами. Комбайнчи оғир дақиқаларда ҳамкасбларига намуна бўлиб, уларни меҳнат қилишга сафарбар этаётган бўлса, совхоз касаба союз комитетининг раиси меҳнаткашларга ғамхўрликни кучайтириш, маданий хизмат кўрсатишнинг янгича усулларини излаб топиш ўрнига мавжуд имкониятлардан ҳам фойдаланмайди. Бу воқеадан инсоннинг меҳнатга муносабати ундаги барча фазилатларни белгиловчи барометр эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Ўз касбини севувчи ва яхши меҳнат қилувчи кишилар камтар, ориятли бўлади. Бундай одамлар умум манфаатини ўз манфаатларидан устун қўйишади. Чунки, уларда атрофдаги барча нарса учун жавобгарлик туйғуси кучли. Масалан, «Ғозғон» совхози 2-бўлимининг механиги Турди Қўзиевни олайлик. У йигирма икки йилдан буён шу хўжаликда ишлайди. Коммунист бу йиллар мобайнида чорвадорлар билан бирга жуда кўп қийинчиликларни енгиб ўтган. Айниқса, қишлов пайтида унинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги қўл келади. Айтайлик, қийин оби-ҳаво шароитида олисдан отарларга ем-хашак олиб бориш зарур бўлиб қолди. Кимга ишониш керак? Қўзи Турдиев бўлинмасига. Нега? Техникаси шай. Топшириқ ўз вақтида бажарилади. Чўпонларнинг кўнглидаги гапларни топиб, руҳларини кўтариб келади. Бунинг устига механик ўз коллективида онгли интизомни қарор топтирган, барча чорвадорлар уни ҳурмат қилишади.

Қўзи Турдиев бошлиқ комбайнчилар ғалла ўрими даврида ҳам шижоат кўрсатиб меҳнат қилишди. Ўз сафига беш коммунист ва илғор комбайнчи, пресловчиларни бирлаштирган зарбдор отряд районда эмас, областдаги шундай коллективлар орасида ҳам энг кўп майдондаги ғаллани ўриб ва янчиб берганлардан бири бўлди. Табиийки, бунда тажрибали механикнинг шахсий ибрати, хизмати катта роль ўйнади.

Районимизда бундай коммунистлар кўп. Ленин номли, «Қизилча» совхозларининг бўлим бошлиқлари Қ. Абдуллаев, О. Ширинов, «Нурота», «Ғозғон» совхозининг бош чўпонлари Абдусаттор ва Абдуғаффор Файзановлар, З. Қурбонова, район агросаноат бирлашмаси ветеринария врачи Ҳ. Рўзиев ва бошқа кўплаб кишилар ҳақида ҳам шундай илиқ сўзларни айтиш мумкин. Улар ҳам эл-юрт ўртасида, энг аввало, камтарин ва изланувчанликлари, партиявий топшириқларни сидқидилдан, ўз вақтида бажаришлари билан обрў-эътибор қозонишган.

Нурота — донгдор чўпонлар юрти. Чорвачиликда ўзига хос тажриба мактаби яратган Абдуназар Умаров, Норбой Эргашев, Чўли Хўжақулов, Файзихон Қунусов сингари чўпонларимизнинг номлари республикамиздан ташқарида ҳам машҳур. Улар изидан бораётган юзлаб чорвадорларимиз ҳам айни кунларда катта меҳнат натижаларига эришмоқдалар. Уларнинг халқимиз бойлигига бойлик қўшиш йўлидаги фидокорликлари туфайли яйловларимиз тобора қўй-қўзига тўлиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайиб бормоқда. Хусусан, шу йилнинг олти ойи мобайнида давлатга гўшт топшириш плани 180 процент, сут — 125 процент, тухум — 108 процент, жун — 105 процент бажарилди. Шунингдек, ҳозир районимизда мустаҳкам озуқа базаси яратиш учун ташаббускорлик ҳаракати кенг қулоч ёйган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида сўзлаган нутқида кишиларни маънавий камол топтириш соҳасида изчил иш олиб бормай туриб, ривожланган социализмни такомиллаштириб бўлмаслигини таъкидлади ва буни қандай амалга оширишнинг конкрет йўлларини белгилаб берди. Ҳозир барча партия ташкилотларимиз бу масъулиятли вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги фаолиятларини қизғин бошлаб юборишди. Бунда, айниқса, ёшлар тарбиясига, уларни жўшқин меҳнат қўйнида чиниқтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

КПСС XXVI съезди партия Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми қарорларининг муваффақиятли бажарилишига районимиз коммунистларининг ишончи комил. Партия ташкилотларимизнинг кўп йиллик бой тажрибаси, коммунистларимизнинг юксак онглилиги ҳар қандай вазифани ижобий ҳал этишга қодирдир.

**М. ҚУРБОНОВА,**
**Нурота район партия комитетининг биринчи секретари.**

*Матбуотга раҳбарлик*

## МУСОБАҚА СОЛНОМАСИ

**Қумқўрғон — Сурхон диёрининг кенжа районларидан. Бу ерда экономика жадал ривожланмоқда, турмуш маданияти кўтарилмоқда. Бунда «Меҳнат шарафи» район газетасининг ленинча коллектив агитатор, коллектив пропагандист ва коллектив ташкилотчилик роли ўзига хос ўрин тутмоқда.**

Социалистик мусобақа мавзуи газетанинг етакчи мавзуига айланди. Районимиз меҳнаткашларининг КПСС XXVI съезди қарорларини, партия Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун кураши унинг саҳифаларида тобора кенг ёритилмоқда. Шунинг учун ҳам илғорлар сафи кенгайиб, уларнинг бой тажрибаси, бошқаларни янада унумли меҳнат қилишга илҳомлантирмоқда. Партия Марказий Комитетининг июнь Пленумида мусобақа мавзуини чуқур, ўқимишли ёритиш вазифаси қўйилди. Газета ходимлари бунга жавобан муҳим мавзуни ёритиш борасида тинмай изланмоқдалар.

Меҳнаткашларнинг аниқ мақсад сари дадил интилиб, самарали меҳнат қилиши туфайли ўтган қисқа давр мобайнида районимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан икки марта, республика кўчма Қизил байроғи билан бир марта мукофотланди. Ҳар йили бир-икки хўжалигимиз Иттифоқ ва республика социалистик мусобақаси ғолиби бўляпти. Ўтган йил якунларига кўра «Қизил Октябрь» колхози Бутуниттифоқ ва «Комсомол 30 йиллиги» совхози республика социалистик мусобақасида ғолиб чиқди.

Бу муваффақиятларда матбуотнинг сафарбар этувчи, ташкилотчилик роли катта. СССРнинг 60 йиллик қутлуғ юбилейи муносабати билан районда социалистик мусобақа ҳар қачонгидан авж олди. «Меҳнат шарафи» газетаси саҳифаларида мусобақа илғорларининг чиқишлари уюштирилди. «Мусобақа йўқламаси» рубрикаси остида саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, маиший хизмат, қишлоқ хўжалиги коллективларининг социалистик мажбуриятни қандай бажараётганлиги кенг ёритилди. «Мажбурият олдингми, уни бажар!» рубрикаси остида берилган мақолаларда цех, бригада ҳамда илғорларнинг меҳнат беллашуви ўз ифодасини топди. «60 йилликка — 60 зарбдор ҳафта», «60 йилликка — 60 центнердан» сингари умумий сарлавҳалар остида эълон қилинган мақолаларда коллективларнинг социалистик мусобақадаги иштироки, илғорлар тажрибалари кенг ёритилди. Ишчилар, деҳқонлар, соҳибкорлар, чорвадорлар, пахтакорларнинг кўпгина мақолаларида мусобақанинг чинакам қудрати тўла сезилиб турди.

«Меҳнат шарафи» газетаси редакциясининг ижодий коллективи, ишчи-қишлоқ мухбирлари район меҳнаткашлари ҳаётини ёритиш ишида муайян тажриба тўпладилар. Улар корхона, муассаса, ташкилот ҳамда колхоз ва совхозларда тез-тез бўлиб, меҳнат коллективлари ҳаётини чуқур ўрганадилар. Аслини олганда меҳнаткашлар билан мулоқотда бўлиш, уларнинг фикр ва ўйларини билиш мухбирлар учун энг зарур омилдир. Район партия комитети шунинг учун ҳам матбуот сўзининг таъсирчанлиги, газетада эълон қилинаётган мақолаларнинг ҳаётийлиги ва ҳаққонийлигига катта эътибор бермоқда. Бу энг яхши ташаббусларнинг газетада ўз вақтида эълон қилинишига ҳамда унинг оммалаштирилишига ёрдам бермоқда. Район партия комитетининг бюро мажлисида матбуотда эълон қилинган бундай ташаббуслар бир неча марта кўриб чиқилди, уларни қўллаб-қувватловчи қарорлар қабул қилинди.

Ипак пахта етиштиришга ихтисослаштирилган «Москва» ҳамда «Қизил Октябрь» колхозлари ташаббуси ҳам пахта етиштиришни кўпайтириш учун мусобақани авж олдириб юборди. Ҳосилдорликни муттасил ошира бориш, мавжуд ер, сув, техника, минерал ва маҳаллий ўғит, химикатлардан унумли фойдаланишни намунали йўлга қўйиш эндиликда ҳамма бўлим, бригадаларнинг иши бўлиб қолди. Бу эса юбилей йилидаги муваффақиятларимизга катта ижобий таъсир кўрсатди. Районимиз пахтакорлари қарийб 50 минг тонна «оқ олтин» тайёрладилар. Ялпи ҳосилнинг 30 минг тоннадан кўпроғини ингичка толали пахта ташкил этди. Илғор бригадаларимиз сони кўпайди. Ҳамма колхоз ва совхозлар йиллик пахта тайёрлаш планини ортиғи билан бажарди.

Матбуотда эълон қилинаётган мақолаларнинг таъсирчанлиги ошаётганлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Масалан, Ҳасан Мухторов бошлиқ бригаданинг ташаббусини олайлик. Газетада бу бригада тўғрисида мунтазам мақолалар берилмоқда. «Илғор тажриба мактаби» рубрикаси остида берилган мақолаларда Ҳасан Мухторов бошлиқ бригаданинг барча ишлари кенг ёритилди.

Ибратли ташаббуслар, тажрибалар ҳақида ўз вақтида ёзилган яхши мақола катта наф келтирмоқда. Ҳар бир бригадада ёрдамчи хўжалик ташкил этиш, камида 2 тоннадан гўшт етиштириш тўғрисида «Меҳнат шарафи» газетасида эълон қилинган ҳажм жиҳатидан кичикроқ бир мақоланинг катта таъсир кучига эга бўлганлигини ҳозир кўриб-билиб турибмиз. Бригадаларда ёппасига ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди. Гўшт етиштириш анча кўпайди.

«Москва» колхози правлениеси раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Раҳмон Чориев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуғаффор Хўжаназаров, СССР Давлат мукофоти лауреати Мирхолиқ Менглиев, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Қўзибой Рўзиев ва бошқаларнинг мақолаларида пахта, гўшт, сут, тухум етиштириш, саноат маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтириш резервларини ишга солиш, бригада пудратини жорий этиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш муаммолари чуқур очиб берилди.

Район партия комитети ва унинг бюроси «Меҳнат шарафи» газетаси ўзининг жанговар ғоявий қуролига айланиши учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Район партия комитетининг бюро мажлисларида газета материалларининг таъсирчанлиги, меҳнаткашлар хатлари билан ишлашни яхшилаш, халқ хўжалик планларининг муваффақиятли бажарилишида матбуотнинг роли каби масалалар кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Бу эса газета материалларининг ўқимишлилигини оширмоқда, мавзу доирасини кенгайтирмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов июнь Пленумида пропаганда ишининг таъсирчанлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Район партия комитети матбуотимиз материалларининг таъсирчанлигини, самарадорлигини ошириш, КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорларини бажариш учун районимиз меҳнаткашларининг кенг кўламли бунёдкорлик ишлари унинг саҳифаларида тобора чуқур ва мазмунли ёритилишига эришаверади.

**Ҳ. САЛОМОВ,**
**Қумқўрғон район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.**




**ТОШКЕНТ. Экскаватор заводи коллективи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар Иттифоқимиз республикаларидан ташқари Венгрия, Чехославакия, Куба, Мозамбик, Лаос сингари кўпдан кўп чет мамлакатларга ҳам жўнатилади. Айниқса корхонанинг серунум «Э—304 Г» маркали экскаваторлари буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Шу кунларда бу ерда КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари кенг ўқиб-ўрганилмоқда. Суратда: бош конвейернинг йиғувчи-слесарлар бригадаси аъзолари (чапдан) Р. Ваганов, В. Гаврилов, Б. Нурмуҳаммедов ва Ш. Давидов ўртоқлар танаффус чоғи Пленум материаллари ҳақида суҳбатлашмоқдалар.**

**В. Казанцев** фотоси (ЎзТАГ).

## САККИЗ ЙЎЛДОШ ПАРВОЗИ

ТАСС АХБОРОТИ

**1983 йил 6 июль куни Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдошлари — «Космос — 1473», «Космос — 1474», «Космос — 1475», «Космос—1476», «Космос—1477», «Космос — 1478», «Космос—1479», «Космос — 1480» учирилди. Саккизта йўлдошнинг ҳаммаси орбитага битта учирувчи ракета ёрдамида чиқариб қўйилди.**

**Йўлдошларга ўрнатилган илмий аппаратлар космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган.**

**Саккизта йўлдошнинг ҳаммаси мўлжаллаб қўйилганидек орбиталар бўйлаб учиб юрибди, уларнинг бошланғич параметрлари қуйидагича:**

**— айланиш даври — 115,1 минут;**

**— Ер юзасидан максимал олислиги (апогейида) — 1511 километр;**

**— Ер юзасидан минимал олислиги (перигейида) — 1448 километр;**

**— Орбитанинг оғиши — 74 градус.**

**Йўлдошларда илмий аппаратлардан ташқари орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема, приборлар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни ерга юбориб турадиган радиотелеметрия системаси бор.**

**Йўлдошларга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.**

*Коммунистлар ҳақида ҳикоялар*

## БАЙРОҚДОРЛАР

Хоразм области пахта далаларида меҳнат сурури авжида. Ҳамиша бўлганидек, мўл ҳосил бунёдкорларининг олдинги сафларида коммунистлар бормоқдалар. Улар техникани моҳирлик билан бошқариб, ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришяпти, эгатларга обиҳаёт тараб, экинларни яшнатишяпти.

Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли колхозда дала кезиб, кўпгина коммунистлар билан мулоқотда бўлдик. Уларнинг меҳнат майдонидаги ғайрат-шижоати, қийинчиликларни енгиш йўлидаги матонати таҳсинга арзигулик. Қайси бригадага борманг, қайноқ меҳнат нафасини, мустаҳкам интизом ва уюшқоқликни яққол ҳис этасиз.

СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Салой Худойқулиев раҳбарлик қилаётган бригадада бўлдик. Ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиси ва коллективнинг сиёсий тарбиячиси — район партия комитетининг бюро аъзоси сифатида Худойқулиев ҳар бир ишда ҳамма вақт партиявий бурчга садоқат намунасини кўрсатади.

Бригадир бизни яхлит, йирик карта томон бошлаб борди. Машина теримига ажратилган бу картада Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор, КПСС аъзоси Рўзимат Эгамбердиев ғўзаларга ишлов бераётир. Культиваторнинг ишчи органлари тўлиқ ўрнатилган, тупроқ нормал чуқурликда ва кенгликда юмшатиляпти.

— Бу картага чигитни Рўзиматнинг ўзи эккан, энди ғўзага ўзи озиқ, ишлов бермоқда. Кузда эса ҳосилини машинада ўзи йиғиштириб беради. Ҳамкасби Қўзи Сотиболдиев билан мусобақадош. Қўзивой ҳам ўтюрак йигит, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор. Мана шу азаматларнинг фидойилиги туфайли ғўзаларга учинчи ишлов бериш ниҳоясига етказилмоқда, — деди Салой ака.

Пайкалларга оби-тобида сув тараётган мирашкорлар ишига разм солиб турдик. Ҳар томчи сув ҳисобда. Ҳар туп ғўза ардоқда. Сувчининг масъулияти ғоят ошган бир пайтда ўттизга яқин коммунист шу касбда ишлаш хоҳишини билдирди. Улар орасида қалби олов коммунистлар Мунаввар Дўстжонова, Болтабика Худоёрова ва Олия Саидовалар экинни мириқтириб суғориш санъатини эгаллаб, ўз касбларининг ҳақиқий усталари бўлиб олишган. Улар Сафо Султонов, Абдулла Худойберганов каби тажрибали сувчилардан қолишмай ишламоқдалар.

Коллектив пудрат тўғрисида гап очилганида, колхоз партия комитетининг секретари Ёдгор Абдуллаев бу соҳада Салой Худойқулиев бригадаси тўплаган тажриба ибратли эканлигини алоҳида таъкидлади. Бригада партия ташкилотининг секретари Ширин Болтаева коллектив пудрат усулининг афзаллигини кўрсатувчи факт ва рақамлар келтирди:

— Нарядсиз системага ўтиб ишлаш яхши самара бермоқда. Бригадамизда ўтган йили 150 гектар майдондан пландаги 634 тонна ўрнига 1005 тонна «оқ олтин» йиғиб олинди, гектар бошига ҳосилдорлик 67,5 центнерга етказилди. 900 тонна ҳосил машиналар билан терилди. Ҳар центнер пахтанинг таннархи колхозда 43 сўмни, бригадада 29 сўмни ташкил этди. Ҳар гектар ердан колхоз 1992 сўм, бригадамиз 3325 сўм даромад олди. Соф фойда ошганлиги туфайли ҳар бир колхозчининг йиллик даромади 3524 сўмга етди. Бунинг маъноси шуки, пировард натижага қараб колхозчининг моддий манфаатдорлиги кескин ошди. Бу йил 70 центнерли маррани эгаллаш, бутун ҳосилни машинада териш, биринчи сорт пахта салмоғини 95 процентга етказиш кўзда тутилмоқда.

Цех партия ташкилоти секретарининг ён дафтаридаги рақамлар таҳлили С. Худойқулиев бригадаси илғор тажриба мактаби бўлиб қолганлиги бежиз эмаслигидан далолат беради. Меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формаси — нарядсиз системага ўтган бригадаларнинг ҳаммаси ҳам социалистик мусобақа илғорлари сафида. Шокир Исмоилов, Отахон Саидов, Сафарбой Исмоилов, Бувахон Саидов бошлиқ бригадаларда дала ишлари агротехника талаблари асосида олиб борилмоқда. Ҳар бир механизатор ва сувчи ўзига бириктилган даладаги ҳар туп ниҳолнинг тақдири учун масъул эканлигини яхши билади. Партком аъзоси Поездгул Раҳимова, КПСС аъзолари Ўктам Бобожонов, Шихмамат Хўжаев каби механизаторлар, Болтабой Худойберганов, Ботир Болтаев каби тажрибакор сувчилар меҳнатда авангардлик кўрсатишяпти. Колхоз партия ташкилоти ҳисобидаги 140 коммунистнинг кўпчилиги бевосита ишлаб чиқаришда фаол қатнашмоқда. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари асосида интизомни мустаҳкамлашда, ишда самарадорлик ва юқори сифатга эришишда коммунистларнинг шахсий ибрати ҳамма учун илҳомбахш намуна бўлиб хизмат қилаётир.

Партия ташкилоти йўлланмаси билан қийин участкага — қолоқ бригадаларга ўтиб ишлаётган КПСС аъзолари — агроном-энтемолог Хоним Тожиева, агроном Матёқуб Хўжаев коллектив ишончини оқлаш йўлида ўзларининг билим ва тажрибаларини тўла ишга солишяпти. Улар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ғўза парвариши намунали ташкил этилган. Ҳар қайси карта — коммунистлар оталиғида. Озиқ, ишлов ва сув муддатида берилаётир, талайгина далалар сифат белгиси олган.

Коммунистлар меҳнатда ўрнак бўлиш билан бирга колхозчилар ўртасида жонли, таъсирчан сиёсий-тарбиявий иш олиб бораётирлар. 11 та цех партия ташкилоти социалистик мусобақага етакчилик қилмоқда. 52 агитатор, 31 сиёсий ахборотчи оммавий-агитациянинг таъсир кучини дала заҳматкашлари ғайрати ва активлигини оширишга қаратяпти. А. Қозоқов, Б. Самандаров, Ш. Бобониёзов, Ў. Султонов сингари агитаторларнинг дала шийпонларида ўтказаётган мароқли суҳбатлари кишиларда чуқур таассурот қолдирмоқда. Илғор тажрибаларни кенг ёйиш, социалистик мусобақа ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган.

Фрунзе номли колхоз коммунистларининг ишлаб чиқаришдаги шахсий ибрати, кўп қиррали, ташкилотчилик фаолияти «оқ олтин» бунёдкорлари қалбига олов ёқиб, уларни янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқда. Коммунистлар байроқдор бўлган жойда режалар амалда рўёбга чиқиши, сўз билан иш бирлиги таъминланиши муқаррар.

**Ф. ЗОҲИДОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## РАСМИЙ ДЎСТОНА ВИЗИТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устиновнинг таклифига биноан ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР миллий мудофаа министри армия генерали М. Дзур 6 июль куни расмий дўстона визит билан Москвага келди.

Аэродромда министрни ва унга ҳамроҳлик қилаётган кишиларни Д. Ф. Устинов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

* * *

Д. Ф. Устинов М. Дзурни қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбатда СССР ва ЧССР халқлари ва Қуролли Кучлари ўртасидаги алоқалар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардошлик иттифоқини мустаҳкамлаш мақсадида учрашувлар ва тажриба ўртоқлашишнинг муҳим ва зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатда СССР мудофаа министрининг ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

* * *

ЧССР миллий мудофаа министри шарафига зиёфат берилди. Зиёфат вақтида Д. Ф. Устинов билан М. Дзур нутқ сўзлаб, дўстона қадаҳ кўтардилар.

(ТАСС).

## ПАРТИЯ ҚУРИЛИШИ ПРИНЦИПЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«К. Маркс ва Ф. Энгельс партия қурилиши принциплари тўғрисида» тўплами босмадан чиқди. Тўпламга илмий коммунизм асосчиларининг асарлари, ҳужжатлари, нутқлари, хатлари, шунингдек уларнинг асарларидан парчалар киритилган. Бу ҳужжатларда партия қурилишининг муҳим проблемалари ишлаб чиқилган, Коммунистик партиянинг вазифалари, унинг ташкилий принциплари, партия ички ишининг форма ва методлари белгилаб берилган.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди.

(ТАСС).

